

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.28.12.2017.Tib.59.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

УСМАНОВА ШОИРА РАВШАНБЕКОВНА

**СУРУНКАЛИ ГЕНЕРАЛЛАШГАН ПАРОДОНТИТДА ЭНДОТЕЛИАЛ
ДИСФУНКЦИЯ ВА НЕОАНГИОГЕНЕЗ МАРКЕРЛАРИНИНГ
ДИАГНОСТИК ВА ПРОГНОСТИК АҲАМИЯТИ**

14.00.21–Стоматология

14.00.25-Клиник лобаратор ва функционал диагностика

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Усманова Шоира Равшанбековна

Сурункали генераллашган пародонтитда
эндотелиал дисфункция ва неангиогенез
маркерларининг диагностик ва прогностик аҳамияти 3

Усманова Шоира Равшанбековна

Диагностическое и прогностическое значение
маркеров эндотелиальной дисфункции и неангиогенеза
при хроническом генерализованном пародонтите 21

Usmanova Shoira Ravshanbekovna

Diagnostic and prognostic value of markers
of endothelial dysfunction and neoangiogenesis in chronic
generalized parodontitis 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 44

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.28.12.2017.Tib.59.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

УСМАНОВА ШОИРА РАВШАНБЕКОВНА

**СУРУНКАЛИ ГЕНЕРАЛЛАШГАН ПАРОДОНТИТДА ЭНДОТЕЛИАЛ
ДИСФУНКЦИЯ ВА НЕОАНГИОГЕНЕЗ МАРКЕРЛАРИНИНГ
ДИАГНОСТИК ВА ПРОГНОСТИК АҲАМИЯТИ**

14.00.21–Стоматология

14.00.25-Клиник лобаратор ва функционал диагностика

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Tib316 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат стоматология институтда бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tsdі.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталига (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Камилов Хайдар Пазылович

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ходжиметов Абдугафур Ахатович

биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Хабилов Ниғмон Лукмонович

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Арипов Абдумалик Нигматович

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

А.И. Евдокимов номидаги Москва давлат стоматология университети (Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат стоматология институти ҳузуридаги DSc.28.12.2017.Tib.59.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент ш., Яшнобод тумани, Махтумкули кўчаси 103 уй. Тел./факс: (+99871) 230-20-65; факс: (+99871) 230-47-99; e-mail: tdsi2016@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент давлат стоматология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Махтумкули кўчаси 103-уй. Тел.: (+99871) 230-20-65.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ж.А. Ризаев

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори

Л.Э. Хасанова

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Х.И. Ирсалиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги бир марталик илмий семинар раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда бугунги кунда аҳолининг турли қатламлари орасида пародонтитнинг тарқалиши 40% дан 70% гача бўлиб, кўп ҳолларда бу аҳоли орасида нотўғри овқатланиш, турмуш тарзи ва оғиз бўшлиғи гигиенасига боғлиқ¹. Пародонт тўқималарини сурункали шаклига ўтиш сабаблар ҳозирга қадар кам ўрганилганлигига қарамасдан, касалликни олдини олиш ва даволаш тадбирларининг самарадорлиги паст эканлигидан даололат беради. Жаҳонининг қатор етакчи олимлари томонидан олинган маълумотлардан кўришиб турибдики, сурункали генераллашган кўп омиллилик, функционал захиранинг бузилиши ва мослашиш қобилиятининг пасайиши билан биргаликда юз беради². Айрим тадқиқотчилик маълумотлари сурункали генераллашган пародонтитнинг рўй беришидаги нерв, иммун, гормонал, барерли механизмларнинг ўрни тўғрисидаги замонавий тасаввурларга мос келади. Юқори самарали диагностик қарорлар кенг кўламли ташҳислаш усулларининг маълумотлари асосидагина қабул қилиниши лозим. Пародонт тўқималарнинг фойдали мослашуви чегарасини патологик жараённинг бошланишини ажратиб туриш имконини берадиган ташҳислаш мезонларини такомиллаштириш зарурати ҳамда сурункали генераллашган пародонтит патогенезининг аниқ механизмларини аниқлаш ушбу тадқиқотнинг долзарблигини белгилаб беради.

Жаҳонда сурункали генераллашган пародонтитда эндотелиал дисфункция ва неоангиогенез маркерларининг диагностик ва прогностик аҳамиятини самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Буларга, пародонтитга таъсир қилувчи эндоген ва экзоген сабабларнинг келиб чиқишига таъсир қилувчи патогенетик механизмларини, хавф омиллари ва кечишини функционал ўзига хослигини, клиник кўринишларини, қонда эндотелий дисфункцияси маркерлари эндотелин, фибропептин, виллебранд омилининг ҳамда неоангиогенез дисфункцияси маркери ҳисоблаган эндотелий томирларининг ўсиш омили, биринчи тип плазмогени активаторининг ингибитари (РА 1-1) ва А5 аннексинининг микдорини асослашдан иборат. Сурункали генераллашган пародонтитга чалинган беморларда тромбоцитларнинг агрегацион қобилиятидаги бузилишлар ва микроциркулятор бузилишлар патогенезидаги гемостаз омилларининг ўрнини; сурункали пародонтит билан касалланган беморларнинг қони ва сўлагида ЁПО антиоксидантлар тизимининг ҳолатига кўра оксидли стресс даражасини баҳолаш мехнизмини, беморларнинг қони ва сўлагида ИЛ-6 ва ИЛ-10 нинг даражаси, асоратлашда кўп ўлчамли лаборатор маркерларининг ташҳислаш ва сурункали генераллашган пародонтитга чалинган беморларда қон томирлар эндотелийси дисфункциясининг эрта бузилишларини ташҳислаш мезонларини ишлаб чиқишдан иборат. Касалликни олдини олишга қаратилган профилактик

¹ Saygun I., Nizam N., Keskiner I. Salivary infectious agents and periodontal disease status // J Periodontal Res. - 2011. - V. 46. - №2. - P. 235

² Barac A., Campia U., Panza J.A. Methods for evaluating endothelial function in humans // Hypertension. - 2007. - Vol. 49 (4). -P.748-760.

тадбирларнинг механизмини яратиш, касалликнинг асоратларни камайтириш ва бартараф этишнинг замонавий усуллари такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида³ мамлакатимизда «...ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга, унинг дастлабки бўғинини, тез ва шошилиш тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш...» аҳолига кўрсатилаётган стоматологик ва клиник лаборатор ташхисотни яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар белгилаб берилган. Сурункали генераллашган пародонтитда эндотелиал дисфункция ва неоангиогенез маркерларининг ташхислаш ва прогностик аҳамият эрта ташхислаш ҳамда сифатли тиббий хизмат кўрсатишда инновацион технологияларни қўллаш асосида замонавий даволаш усуллари ишлаб чиқиш ва бажариш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сонли «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2014 йил 1 августдаги ПҚ-2221-сон «Ўзбекистонда оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш бўйича 2014-2018 йилларга мўлжалланган Давлат дастури» Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Пародонтит билан касасалланишнинг юқори даражаси (ЖССТ, 2010), кечишнинг оғирлиги, катта ўзгаришлар, иш қобилиятининг пасайиши, турмуш сифатининг пасайиши пародонт касаллигини нафақат жиддий тиббий муаммо деб, балким ижтимоий муаммо деб ҳам ҳисоблаш имконини беради (Буланов В.С., 2013); (Хасанова Л.Э., 2015). Жаҳоннинг турли мамлакатларида пародонтитнинг тарқалиши 40% дан 70% гача бўлиб, кўп ҳолларда аҳолининг ёшига, турмуш даражасига ва оғиз бўшлиғи гигиенасига боғлиқдир (Ханина А.И. ва бошқа., 2013; Vishwanath S.V. et ol. 2011). Ўзбекистонда қатор илмий тадқиқотлар мавжуд: Камилов Х.П., (2002), Ризаев Ж.А. – пародонтитнинг кечишида клиник функционал кўрсаткичлар (2006), Бекжанова О.Е.–ГП даволашнинг клиник патологик жиҳатлари (2008), Хасанова Л.Э. (2015), пародонт касаллигининг муаммоларига

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони

бағишланган. Генераллашган пародонтитни ташхислаш ва даволаш бўйича бизнинг республикамизда ўтказилаётган кўп сонли тадқиқотларга қарамасдан, сурункали генераллашган пародонтитда эндотелиал дисфункция ва неоангиогенезнинг диагностик ва прогностик маркерларини ўрганишга санокли ишлар қаратилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент давлат стоматология институти илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №011100157 «Асосий стоматологик касалликларни ташхислаш ва даволашнинг самарадорлигини оширувчи янги йўлларни излаб топиш, уларнинг олдини олишнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш» (2011-2014 йй.) мавзусида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади сурункали генераллашган пародонтитда эндотелий ва неоангиогенезнинг дисфункцияси маркерларининг клиник аҳамиятини саливар кўрсаткичлардан фойдаланиб, эндотелиоцитлар дисфункцияси эрта бузилишларини олдини олишни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қонда эндотелий дисфункцияси маркерлари эндотелин 1 (ЕТ-1), фибропептин, Виллебранд омилининг ҳамда неоангиогенез дисфункцияси маркери ҳисобланиш эндотелий томирларининг ўсиш омили (УЕОБ), 1 тип плазмогенни фаоллаштиришнинг ингибитарини (РА 1-1) ва А5 аннексиннинг миқдорини аниқлаш;

сурункали генераллашган пародонтитга чалинган беморларда тромбоцитларнинг агрегацион фаоллиги ва микроциркулятор бузилишлар патогенезидаги гемостаз омилларининг ўрнини ўрганиш;

сурункали генераллашган пародонтит билан касалланган беморларнинг қони ва сўлагида «ПОЛ антиоксидантлар» тизимининг ҳолатига кўра оксидли стресс даражасини ўрганиш;

сурункали генераллашган пародонтит билан касалланган беморларнинг қони ва сўлагида ИЛ-6 ва ИЛ-10 нинг даражаси аҳамияти аниқлаш;

асоратлашиш таҳминасининг кўп ўлчамли лаборатор маркерларининг ташхислаш аҳамиятини баҳолаш ва сурункали генераллашган пародонтитга чалинган беморларда қон томирлар эндотелийси дисфункциясининг эрта бузилишларини ташхислаш мезонларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида генераллашган пародонтит билан касалланган 40-45 ёшдаги 65 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети қуйидаги биологик суюқликлардан иборат бўлган: зардоб, соғлом одамларнинг ҳамда сурункали генераллашган пародонтит билан касалланган беморларнинг оғзидан олинган сўлак материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник, рентгенологик, биокимёвий, иммунофермент, гемостазиологик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сурункали генераллашган пародонтит патогенезида пародонт тўқималарининг функционал ҳолатини бузилишини эндотелиал дисфункция мавжуд касаллик кучайгани сари чуқурлашиб бориши исботланган;

эндотелиал дисфункция маркерларидан сурункали генераллашган пародонтитни ташхислаш сезгирлиги асосланган;

сурункали генераллашган пародонтитга чалинган беморларда микроциркуляциянинг томир ичидаги компонентининг бузилиши гемостаз тизимида томир тромбоцитар бўғинларининг бузилишлари билан узвий боғлиқлиги исботланган;

микротромбозларнинг предикторлари бўлиб эндотелий дисфункцияси маркерлари даражасининг тромбоцитлар циркуляцияли популяциясининг гетероген фаоллаштирилган ҳужайралар миқдорининг ошиши, уларнинг ўлчамлари ортиши ҳамда қон оқимини қийинлашиши исботланган;

сурункали генераллашган пародонтитда қонда ва сўлакда ИЛ-6 ва ИЛ-10 нинг миқдорини биологик муҳитлар орасидаги тақсимланиш механизми ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

гемостаз тизимида микроциркуляр бўғиндаги бузилишлар аниқланган;

сурункали генераллашган пародонтит билан касалланган беморларда қон пластинкаларининг функционал фаоллиги агрегацион қобилиятини, шунингдек, томирлар эндотелийсининг тромборезистентлиги, антиагрегацион, антикоагулянт ва фибринолитик фаоллиги асосланган;

диспансерда ҳисобга олиш мезонлари гиперкоагуляциянинг ривожланиши, тромбоцитларнинг циркуляцияли популяцияси гетерогенлигининг ўзгаришлари билан боғлиқ бўлган гемостаз тизимдаги бузилишлар аниқланган;

кўп ўлчамли таҳлил асосида ишлаб чиқилган саливар кўрсаткичлар эрта ташхислашни ўтказиш, касалликнинг фаоллик даражасини аниқлаш ва самарали даволашни ташкиллаштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тажрибаларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги объектив клиник, биокимёвий, иммуноферментли, функционал ва статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, сурункали генераллашган пародонтитда эндотелиал дисфункция ва неоангиогенез маркерларининг диагностик ва прогностик аҳамиятини баҳолашда халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишда тадқиқ этилаётган биомаркерлар томирларнинг эндотелиал ҳужайралари ва неоангиогенезнинг биомаркерлари) ҳамда ҳужайра гемостазнинг кўрсаткичларининг оғирлик даражасини ташхислаш учун муҳим восита ҳисобланади ва СГП патогенези

молекуляр механизмининг мураккаблиги ва хилма-хиллигини объектив тарзда акс эттириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бир ўлчамли тадқиқот натижаларига нисбатан клиник жиҳатдан юқори турадиган ахборотларга эга бўлган кўп ўлчамли ташхислаш мезонларининг яратилишидан иборат бўлиб, у сурункали генераллашган пародонтитни эрта ташхислаш, фаоллигини аниқлаш ва самарали даволашни тизими яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши: сурункали генераллашган пародонтитда эндотелиал дисфункция ва неоангиогенез маркерларининг диагностик ва прогностик аҳамияти бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Қон томирлар ичида қоннинг микроиши босқичини лаборатор баҳолаш» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 22 февралдаги 8н-р/36-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма сурункали генераллашган пародонтитда эндотелиал дисфункция ва неоангиогенез маркерларининг диагностик ва прогностик ташхислашнинг тизимли тартибини шакллантириш имконини берган;

«Қон томирлар ичида қоннинг микроиши босқичини лаборатор баҳолаш» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 22 февралдаги 8н-р/36-сон маълумотномаси). Аралаш сўлакда антимикробли пептид «дефензин» даражасини ўрганиш орқали пародонтал тўқималарда яллиғланиш жараёнларининг ташхислаш ва даволаш самарадорлигини оширган;

сурункали генераллашган пародонтитда қон зардоби ва сўлакда умумий магнийнинг миқдори аниқланган сурункали генераллашган пародонтитда эндотелиал дисфункция ва неоангиогенез маркерларининг диагностик ва прогностик аҳамиятини такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент давлат стоматология институтининг клиникаси, Миллий олимпия қўмитасининг клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 28 февралдаги 8н-з/27–сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларининг клиник амалиётга жорий қилиниши ГП нинг оғирлик даражасини ташхислашга кетадиган вақти тежалади, шифохона шифокорларининг СГП билан касалланган беморларда пародонт тўқималарнинг зарарланиш даражаси тўғрисида чуқурроқ маълумотларга эга бўладилар, бу эса ушбу касалликни даволашга оқилона ёндошиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 илмий-амалий анжуманларда, жумладан 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий

илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та макола, жумладан, 5 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 95 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг таркиби тўғрисида маълумотлар ёритилган.

Диссертациянинг **«Сурункали генераллашган пародонтитда эндотелиал дисфункция ва неоангиогенез маркерларининг диагностик ва прогностик аҳамиятининг замонавий талқини»** деб номланувчи биринчи бобида эндотелий дисфункциясининг назарий жиҳатлари, тромбоцитларнинг функционал ҳолати ва СГП ни ташхислашда саливар кўрсаткичларнинг аҳамияти таҳлил қилинган, ўтказилган тадқиқотларнинг жиҳатларитизимлаштирилган. Мазкур масала бўйича адабий манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, бу борада унча катта бўлмаган миқдорда тадқиқотлар ўтказилган бўлиб, улар бир бирига қарама қарши ва булар бўйича пародонт касаллигини ташхислашнинг тегишли маркерларини, ишлаб чиқиш мумкин эмас, айниқса сўлак борасидаги тадқиқотлар кам.

Диссертациянинг **«Сурункали генераллашган пародонтитда эндотелиал дисфункция ва неоангиогенез маркерларининг диагностик ва прогностик баҳолаш материаллари ва усуллари»** иккинчи бобида тадқиқот материаллари ва усуллари тавсифланган. Диссертация иши 20 дан 45 ёшгача (ўртачаси 35 ёш) бўлган иккала жинс вакилларининг 65 нафарини тадқиқ этиш натижаларига асосланган. Барча қатнашчилар 2 гуруҳга бўлинган. Биринчи (назорат) гуруҳдаги 15 киши клиник жиҳатдан милки соғлом, тиш қаторлари сақланган ва ортогнатик тишламга эга бўлиб, уларда ўткир ва сурункали соматик патология яққол кўзга ташланмайди. Иккинчи гуруҳда (СГП) 65 нафар одам сурункали генераллашган пародонтитнинг ремиссия босқичидаги ўртача оғирлик даражаси ташхисига эга. Ушбу гуруҳдаги беморлар милкларнинг қонашидан, тишларнинг кимёвий ва ҳароратли кўзгатувчиларига нисбатан юқори сезгирлигидан, оғиздан нохуш ҳид келишидан ва тишларнинг ҳаракатчанлиги (қимирлаб туриши) дан шикоят қилганлар. Клиник текширувда патологик тиш милк чўнтақларининг чуқурлиги 6 мм гача бўлган. Милк ости ва устида тиш тошларининг тўпланиши ва карашлар қайд этилган. Индекс кўрсаткичлари пародонтитнинг ўрта даражасига мос бўлган. Рентгенологик текширувларда пародонтитда альвеолаларни бир биридан ажратиб турадиган тўмиқларда суяк тўқималарнинг резорбцияси ҳисобидан альвеоляр ўсимтанинг пасайиши

қайд этилган. Ташҳис касалликларни халқаро таснифлашдан фойдаланган ҳолда кўйилган, яъни ХКТ-10. Сурункали пародонтит код: K05.3. пародонтитнинг ҳолатини баҳолаш индекслар тизимини қўллаган ҳолда амалга оширилган. Соғлом одамларда ва сурункали пародонтит билан касалланганларда оғиз бўшлиғи ва пародонтитнинг ҳолатини индексли баҳолаш кўрсаткичлари бўйича ташҳис сурункали генераллашган пародонтитнинг ўртача оғирлик даражаси деб кўйилган.

Тадқиқот объектлари қуйидаги биологик суюқликлар бўлган: зардоб, соғлом одамлар ва сурункали генераллашган пародонтит билан касалланган беморларнинг оғиздан олинган суюқлик. Бемор оғизидан суюқликни олиш эрталабки соатларда (9-11 гача), яъни сўлак секрецияси максимал даражада бўлганда оч қоринга ёки овқат қабул қилинган вақтдан 1,5-2,0 соат ўтгач бажарилган. Оғиздан олинган суюқликда оксилнинг концентрацияси кумасси G-250 бўёғидан фойдаланган ҳолда аниқланди, унинг тўқ сариқ туси оксил билан боғланганда кўк ранга ўтади, бунда текширилаётган эритманинг максимал ютилиши 465 нм дан 595 нм га кўчади. Оксилнинг миқдори оғиздан олинган суюқликнинг г/л да ифодаланган. Оғиздан олинган суюқликда лизоцимнинг фаоллигини аниқлашда турбидиметрик усул қўлланиб, ферментнинг фаоллиги оғиз суюқлигининг мг/мл ларида ифодаланди. Церулоплазминнинг фаоллиги (ЦФ) иммунофермент усулида аниқланди, супероксиддисмутазининг фаоллигини аниқлаш учун Гуревичнинг усулидан (Гуревич В.С. ва бошқ., 1990), а – дефензин (HNP-а) нинг даражаси, яъни томир эндотелиал ўсиш омили эндотелин-1 оғиз суюқлиги ва зардобда ИФА усулида БиоХимМак МЧЖ фирмаси тўпламидан (Россия) фойдаланган ҳолда аниқланди. Фон Виллебранд омилининг миқдорини аниқлаш учун худди шу фирманинг тўпламидан фойданилди. Плазма таркибидаги РФМК миқдори ортофенантриолин тести (ОФТ) билан Е.А.Еликомов, А.Л. Момот (1998) бўйича, Д- димер даражаси ELISA-HUMAN фирмасининг тўплами билан, плазминоген активаторининг ингибитори (НАП-1) фотометрик усулда Berichrom PAI, Behring тўплами билан, тромбоцитларнинг агрегацион активлиги 1989 йилда А.С.Шитипов таклиф этган усул билан аниқланди. Одамнинг қон томирлари девори эндотелийсининг фибринолитик активлигини аниқлаш В.П. Балуда таклиф этган усулда амалга оширилди.

Тадқиқот натижаларига математик ишлов бериш вариацион статистика усулларида ўтказилди. Тафовутларнинг ишончлиги Стъюдент Фишер мезони ёрдамида аниқланган. Ҳисоблашлар компьютерда Windows (4,03 версияси) учун «Microsoft Office Excel-2009» ва «Biostatistics» дастурий пакети ёрдамида ўтказилди.

Диссертациянинг **«Сурункали генераллашган пародонтитга чалинган беморларнинг клиник лаборатор натижалари»** деб номланган учинчи бобида шахсий тадқиқотларнинг натижалари акс этирилган. Сурункали генераллашган пародонтитга чалинган беморларнинг клиник лаборатор тавсифлари келтирилган. Сурункали пародонтитнинг ўртача оғирлик даражаси билан касалланган беморларда пародонт тўқималар

ҳолатини баҳолашни холисона ўтказиш мақсадида умумқабул қилинган индексли кўрсаткичлардан фойдаланилган бўлиб, улар РМА папилляр маргинал альвеоляр индексини; API – апроксимал юзаларнинг гигиенаси индексини; ПИ- пародонтал индексини ўз ичига олган. (1-жадвал).

Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, сурункали генераллашган пародонтитнинг ўртача оғирлик даражаси билан касалланган беморларнинг фойдаланилаётган барча индекслари меъёрадаги қийматлардан анча фарқ қилган. Даволаш бошлангунча қадар клиникага мазкур беморлар мурожат қилган вақтда РМА кўрсаткичи меъёридан 21,34 фоиз ортиқ бўлган ($P<0,05$). Апроксимал юзалар гигиенасининг индекси ҳам меъёридан аҳамиятли даражада, яъни 19,98% га ортган. (1-жадвал)

1-жадвал

Сурункали пародонтитнинг ўртача оғирлик даражаси фонида пародонт тўқималар ҳолатининг индексли кўрсаткичлари

Кўрсаткич	Соғлом шахслар	СГП билан касалланган беморлар
РМА, %	1,14±0,02	24,18±2,08*
API, %	3,31±0,03	57,81±4,07*
	3,42±0,09	61,23±4,65*
ПИ, баллар	0,07±0,03	4,02±0,20*

Изоҳ: * - $P<0,05$ бўлганда меъёрга нисбатан ишончлилиқ

Тиш милк ариқчаларининг қонаш индекси ушбу гуруҳдаги беморларда меъёрадаги қийматлар ишончли тарзда 14,56% га ошган ($P<0,05$). Пародонтал индекс меъёридан 51,7 баробарга кўп бўлган. Бунда беморлар милкларнинг қонаши, тишларнинг қимирлаб туриши, овқат қабул қилишнинг қийинлашуви ва пародонтал чўнтакларнинг мавжудлигидан шикоят қилганлар. Тишларнинг қимирлаши ва пародонтал чўнтакларнинг чуқурлиги барча беморларда баллик система бўйича баҳоланган. Сурункали генераллашган пародонтит (СГП) билан касалланган беморларда микроциркуляциянинг бузилишлари патогенезида муҳим рол гемостаз тизимининг томир тромбоцитар, ноагуляцияон бўғинларидаги бузилишларга ҳамда қон томир деворлари эндотелийсининг тромборезистентлигига тегишлидир. Мазкур муаммони ҳал қилиш учун биз СГП да қоннинг тромбоген салоҳиятини баҳолашга қарор қилдик. Ўтказилган тадқиқотлар натижасида аниқлашча сурункали генераллашган пародонтит билан касалланган беморларда қон томир деворлари тромборезистентлигининг пасайиши рўй берар экан, бу эндолийнинг антикоагулянт ва фибринолитик фаоллигининг пасайишида намоён бўлади. Қон томир эндотелийси тромборезистентлигининг ўзгаришлари асосий касалликка, яъни сурункали генераллашган пародонтитга боғлиқ. Пародонтит билан оғриган беморларда антикоагулянт фаоллиқнинг пасайиши қон томир деворининг эндотелийси томонидан антитромбин III нинг чиқариб ташланишининг пасайишида

намоён бўлади. Олинган натижалаларнинг биз келтирган жадвалдаги маълумотлари шундан далолат берадики, сурункали генераллашган пародонтит билан касалланган беморларда Хагиман қарамли фибринолиз вақтининг ошиши ва қон томир эндотелийси фибринолитик фаоллигининг пасайиши рўй берар экан. Қон томирлар эндотелийси фибринолитик фаоллигининг сусайиши касаллик билан уйғунликда юз берса, плазминоген t-РА тўқима активатори камайиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. (2-жадвал)

2-жадвал

СГП билан касалланган беморларнинг қонида гемостаз ва гомоцистеин тизимининг кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	Интакт пародонтли соғлом шахслар N =12	Сурункали генераллашган пародонтит билан касалланган беморлар N= 65
1	Антитромбин – III манжетли синама % ларда	97,61 + 8,11	85,06 + 6,54
2	Антитромбин – III манжетли синалмадан сўнг % ларда	124,3 + 9,74	102,4 + 8,76
3	Эндотелийнинг антикоагулянт активлиги, шартли бирликда.	1,24 + 0,11	1,18 + 0,09
4	XIIa-фибринолиз манжетли синамага қадар, сек	605,6 + 13,7	564,0 + 12,3
5	XIIa-фибринолиз манжетли синамага кейин, сек	380,3 + 11,9	398,0 + 12,3
6	Эндотелийнинг фибринолитик активлиги индекси, шартли бирликларда	1,56 + 0,08	1,41 + 0,09
7	Гомоцистеиннинг концентрацияси, мкМоль/л	8,81 + 0,61	9,54 + 0,08
8	Қон плазмасида эндотелин-1 нинг концентрацияси, мкМоль/л	1,61 + 0,13	2,18 + 0,16
9	Эрувчан фибрин-мономер комплекс, мг/дл	2,91 + 0, 15	4,41 + 0,37

Изох.* - пародонт гуруҳига нисбатан тафовутларнинг ишончлиги $P < 0,05$

Айни вақтда адабиётларда шундай маълумотлар борки, пародонтит билан касалланган беморда плазминоген t-РА тўқима активаторининг маҳсули ошади, аммо шу билан бир вақтда PAI-2 плазминогени бўлмиш тўқима активатори ингибиторининг маҳсули ҳам ўсиб боади. Ўтказилган тадқиқотлар натижасида оғирликни ўрта даражасидаги сурункали генераллашган пародонтит билан касалланган беморларнинг қон зардобиди нафақат эндотелин-1 нинг, балки гомоцистеиннинг миқдори ҳам ошиши аниқланган. Бунда гомоцистеиннинг қон зардобидидаги концентрацияси

соғлом шахсларнинг гуруҳида юқорироқ бўлиб, унинг эндотелий хужайраларига захарли таъсир кўрсатишга олиб келади. Сурункали генераллашган пародонтит билан касалланган беморларда аниқланган гипергомоцистеинемия метаболистик бузилишларининг ва аввало пародонт тўқималарида липидларнинг перекисли оксидланиши оқибати ҳисобланади. Пародонтитда эндотелин-1 концентрацияси ошишининг аниқланган аниқланган салоҳиятли механизми эндотелий хужайраларидаги осидатив стресснинг индукцияси бўлиши ҳам мумкин. Ундан ташқари биз сурункали генераллашган пародонтит билан касалланган беморларда аниқлаганимиздек, қон зардобида эндотелин-1 нинг концентрацияси ошишига яллиғланиш жараёнинг тизимли намоён бўлишларига реакцияси сифатида қараш лозим.

Шундай қилиб, шахсий тадқиқотларнинг натижалари ва адабиётлардаги маълумотлардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, сурункали генераллашган пародонтит билан касалланган беморларда эндотелиал дисфункция маркерлари миқдорининг ошиб бориши рўй беради.

Тизимли яллиғланиш жараёнининг биринчи кўзга ташланадиган босқичлари қон томирларининг гемодинамик ўзгаришлари ҳисобланади. Яллиғланган жойда биоген аминлар таъсирида қон томирларнинг вазодиятацияси рўй беради, қон хужайраларининг юзага келади, унинг кетидан пародонт тўқимаси зарарланган жойда лейкоцитларнинг қон ўзанидан чиқиб кетиши юз беради. Вазодиятация жараёнида тромбин, гистамин ва лейкотринен каби эндотелиал омиллар қатнашади. Мазкур вазиятда эндотелиал хужайралар эндотелин-1, тромбоцитар ўсиш омили (ГцФР) ва тромбоцитларнинг фаоллашиш омили (ФАТ) нинг ҳосил бўлишини тезлаштиради, улар тромбоцитларнинг агрегацион фаоллигини кучайтиради. Аммо, ҳозирги вақтда СГП билан касалланган беморларда тромбоцитларнинг функционал фаоллигига бағишланган ягона ишларгина мавжуд. Пародонт касаллигининг юқори даражада тарқалганлигини инобатга олган ҳолда ушбу таҳлика омили жамоатчиликнинг соғлиғи нуқтаи назаридан муҳим ҳисобланади. Тадқиқот натижалари келтирилган жадвалдан кўришиб турибдики, СГП нинг ўртача даражаси билан касалланган беморларда иммун яллиғланишнинг тавсифи С-реактив оксил даражасининг 4,9 баобарга ишончли тарзда кўтарилиши ($P < 0,05$) билан бирга юз берган бўлиб, бу яллиғланиш жараёнининг ривожланиши ва аторогенезнинг кучайишини кўрсатади. СГП билан касаланган беморларда қон томирнинг эндотелиал хужайраларининг дисфункцияси билан шартланган капилляр қон оқишининг бузилишлари десквамиранган эндотелитлар дарасининг СГП гуруҳида соғлом шахсларнинг кўрсаткичларига нисбатан 20% га ошганлигида намоён бўлади. Эндотелиал дисфункция тромбоцитларнинг агрегацион фаоллигини оширишга АДФ тромбомодулятори ҳисобидан кўмаклашади. Тадқиқот натижаларидан кўришиб турганидек, беморларнинг мазкур гуруҳида биз тромбоцитлар фаол шаклларининг суммаси 2 баробарга, тромбоцитларнинг адгезивлик индекси % га ва АДФ томонидан рағбатлантирилганда энг юқори агрегацияси 31% га ошганини кузатишимиз мумкин ($P < 0,05$). Фаоллаштирилган тромбоцитлар гуморал коагуляцион

каскаднинг реакцияси учун омилларни каталицизациялаган ва таъминлаган ҳолда генерацияланган тромбинларга аҳамиятли даражада кўмаклашади. Яллиғланиш синдроми ва пародонт тўқималардаги касалликларнинг умумий хусусиятга эга эканлиги табиий ҳолдир, чунки иккала синдром ҳам айнан ўша ҳужайрараларни, яъни эндотелиал, моноцитлар, тромбоцитлар ва бошқаларни шакллантиради. (3 жадвал)

3- жадвал

СГП га чалинган беморлар қонининг биокимёвий кўрсаткичлари ва тромбоцитларнинг функционал фаоллиги

Кўрсаткичлар	Қиёсланган гуруҳи (соғломлар) n =12	СГП билан касалланган беморлар n=12
С-реактив оқсил мг/л	5,81±0,34	*28,6±1,13
Десквамиранган эндотелиал ҳужайралар, 1Ч10 ⁴ л	2,74±0,19	3,03±0,18
Тромбоцитлар сони, 1Ч10 ⁹ л	288,6±9,61	278,0±8,63
Фаол шакллардаги тромбоцитлар суммаси, %	12,4±0,79	*18,4±0,91
Тромбоцитларнинг адгезивлик индекси, %	44,6±2,12	45,8±1,09
АДФ билан рағбатлантириш учун тромбоцитлар агрегацияси, 1Ч10 ⁻³ М Тма%	38,1±16,9	40,4±2,04

Изох.* - тафовутларнинг ишончлиги P<0,05

Шундай қилиб, қон томирлар эндотелийсининг функционал ва таркибийзараланиши СГП да гемостазнинг қон томир тромбоцитар бузилишлари билан биргаликда рўй беради.

Оғиз бўшлиғи орган ва тўқималарининг касалликларини ташхислашда оғиздан олинадиган суяқликнинг биокимёвий тадқиқотларига катта рол ўйнайди, чунки СГП нафақат пародонт тўқималарида юз берадиган морфологик зарарланишлар билан, балки биокимёвий кўрсаткичлардаги жиддий тафовутлар билан ҳам биргаликда рўй беради, бу эса оғиз бўшлиғида метаболик жараёнлар бузилишининг қанчалик чуқурлигини акс эттиради. Бу борада СГП ни ташхислаш ва башоратлаш учун саливар кўрсаткичлардан фойдаланиш имкониятларига таборо кенгроқ эътибор қаратилмоқда. СГП га чалинган беморларнинг 65 нафариди сўлакдаги ИЛ- 6 ва ИЛ-10 нинг даражасини баҳолаш учун рағбатлантирилмаган аралаш сўлакни йиғиш стандарт усул бўйича ўтказилди. (4 жадвал)

4-жадвал

СГП билан касалланган беморлар сўлагиди ФНО – альфа, ИЛ – 6, ИЛ – 10 ларнинг миқдори (нг/мл)

Кўрсаткичлар	ФНО альфа	ИЛ-6	ИЛ-10
СГП билан касалланган беморлар (n=65)	4,83±0,41	5,01 ± 0,31	2,2± 0,14
Соғлом шахслар (n=12)	2,15±0,13	3,42± 0,13	0,59± 0,04

СГП билан касалланган беморлар сўлагиди ИЛ-6 ва ИЛ-10 нинг миқдори мос ҳолда СС га нисбатан 3 ва 3,7 баробар кўп бўлган. Олинган натижалар биз қонда ИЛ-6 ва ИЛ-10 нинг миқдори бўйича олган натижаларимизга мос бўлган.

Шундай қилиб, СГП билан касалланган беморлар сўлагиди тадқиқ этилаётган ИЛ нинг юқори даражаси эндотелиацитлар дисфункцияси жараёни билан бирга борадиган иммуно яллиғланиш реакцияси мавжуд бўлган ҳолатда гистогематик тўсиқлар, хусусан ГСБ нинг актив ишлашидан далолат беради.

Липидларнинг перекисли оксидланиш жараёнларининг ўсиб бориши ва антиоксидантли ҳимоя қувватининг пасайиши оксидли стресснинг ривожланиши учун шароит яратадики. Шу фонда оғиз суюқлигининг антибактериал ҳимояни таъминлаш қобилияти пасаядики, бу кейинчалик тишларни йўқотишга олиб келади, беморларнинг турмуш сифатини ёмонлаштиради. Бундай шароитда ҳам ўзига хос иммуно кимёвий, ўзига хос резистентликнинг маҳаллий ҳимоя омиллари катта рол ўйнайди. Маҳаллий ҳимоя тизимини аввало оғиз бўшлиғидаги лизоцим ферменти ва церулоплазминнинг оксидаз фаоллигида ифодаланувчи оқсил ташкил этади.

5-жадвал

Сурункали генераллашган пародонтитда ўзига хос бўлмаган ҳимоя компонентларининг ўзгаришлари (M±m)

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи, n = 12	СГПга чалинган беморлар, n = 65
Лизоцим миқдори, мкг/мл	15,8 ± 0,81	18,1*± 0,99
Церулоплазмин миқдори, мг/л	79,2 ± 5,86	123,9*± 9,67

Изоҳ: * -назорат гуруҳига нисбатан ишончлиги

Олинган маълумотларга кўра турли даражадаги адентия фониди сурункали генераллашган пародонтит билан касалланган беморларнинг оғиз суюқлигидаги лизоцим миқдори аҳамиятли даражада пасайиши билан бирга рўй беради, у ўртача 33,2 ни ташкил қилади.

Бу оғиз бўшлиғидаги тўқималарнинг хос бўлмаган резистентлигининг анча заифлашиб қолганидан далолат беради, бу эса албатта оғиз

суюқлигининг патоген омилларининг зарарлантирувчи ҳатти ҳаракатларига қарши курашиш қобилятининг заифлашувиға олиб келади.

Оғиз суюқлигида унинг ҳимоя функциясини белгиловчи компонентлар мавжуд бўлиб, улар ферментлар, яъни комплемент тизимининг таркибий қисмлари ҳамда иммуноглобулинлардир. Оғиз суюқлигида S-IgA концентрациясининг ўзгариши нафақат пародонт тўқималар патологияси мавжуд деб фараз қилиш имконини бериши, балки ўтказиладиган даволашнинг самарадорлигини баҳоловчи восита бўлиб хизмат қилиши ҳам мумкинки, регенерация жараёнларининг оптимал кечиши шунга боғлиқдир.

Тадқиқот натижасида S-IgA зардоб ва оғиз суюқлигида $0,17 \pm 0,02$ ва $139,14 \pm 11,3$ мкг/мл бўлиши аниқланган. (6-жадвал)

6-жадвал

Интакт пародонтга чалинган кўпчиллиларнинг зардоби ва оғиз суюқлигида S-IgA нинг концентрацияси, n=12

S-IgA нинг концентрацияси	
Зардоб мкл/л	Оғиз суюқлиги (мкг/мл)
0,17±0,02	139,14±11,3

СГП билан касалланган беморлар зардобида дастлабки концентрация ишончли равишда юқори бўлган, оғиз суюқлигида эса нисбатан ишончли тарзда паст бўлган, яъни мос равишда $0,19 \pm 0,1$ ва $41,13 \pm 3,51$ мкг/мл, бу оғиз бўшлиғининг микробли инвазия борасида шиллиқ қавтларнинг барқарорлигига путур етказди, чунки S-IgA концентрациясининг аҳамиятли даражада пасайиши пародонт тўқималарнинг ҳар хил таъсирларга нисбатан, жумладан бактерия ва вируслар таъсири учун заиф қилиб қўяди, S-IgA нафақат антигенларни боғлайди, балки эндокрин секретларда мавжуд лизоцимининг антибактериал ҳаракатини анча кучайтиради.

Диссертациянинг «**Сурункали генераллашган пародонтитнинг кечишини ташҳислаш ва даволашда қон ва сўлакни натижаларнинг информативлиги**» деб номланган тўртинчи бобида сурункали генераллашган пародонтит билан касалланган беморларнинг қонида ва сўлагиде биз аниқлаган гипер гомоцистеинемия метаболик бузилишлари ва аввало, пародонт тўқималарда липидларнинг перекисли оксидланишининг оқибати ҳисобланади. (7-жадвал)

7-жадвал

СГП билан касалланган беморлар қони ва сўлагиде гомоцистеиннинг миқдори

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи n=12	СГП га чалинган беморлар, n=65
Сўлақда гомоцистеин, мк моль/л	0,34±0,04	0,42±0,03*
Қонда гомоцистеин миқдори, мк моль/л	8,81±0,41	9,54±0,08*

Изох: * тафовутларнинг ишончлиги $P < 0,05$

Дефензинлар иммун тизимининг катионли пептидлари бўлиб, улар бактериялар, кўзқоринлар ва кўплаб пўстлоқли ва пўстлоқсиз вирусларга нисбатан фаолдирлар. СГП билан касалланган беморларнинг оғиз суюқлигида дефензин концентрациясининг кузатилаётган динамикаси соғлом шахсларнинг (оғиз суюқлиги кўрсаткичларидан ишончли тарзда фарқ қилган, бу эса оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватини етарли даражадаги химоя салоҳияти билан таъминлайди.

Демак, пародонт касалликлари тўқималарнинг маҳаллий емирилишида ажралиб чиқадиган яллиғланиш медиаторларининг тизимли тарқалиши орқали сурункали яллиғланиш агентларининг кўпайишига, шунингдек ушбу патоген микроорганизмлар ва уларнинг маҳсулотларининг тизимли тарқалиши натижасида иммуно яллиғланиш реакцияларига кўмаклашади. Ўткир перикоронитда оғиз бўшлиғи тўқималар яллиғланиши жараёнининг ривожланиши тадқиқ этилганларнинг аралаш сўлагида пептид микдорининг ўзгариши билан тавсифланади.

8-жадвал

Соғлом ва сурункали генераллашга генераллашган пародонтит билан касалланган беморларнинг оғиз суюқлиги ва зардобда а-дефензин HNP-а нинг даражаси (пг/мл)

Тадқиқ этилаётган объект	Соғлом шахслар (n=12)	Сурункали пародонтитга чалинганлар (n=65)
Оғиз суюқлиги	98,4± 9,3	478,0±11,8*
Зардоб	248,8±12,0	369,8±12,4*

P-(P<0,05) бўлганда соғлом ва сурункали пародонтит билан касалланганлар ўртасидаги статистик жиҳатдан аҳамиятли тафовутлар даражаси.

Бизнинг олдимизга қўйилган вазифалардан бири гемостаз тизимидаги ўзгаришларнинг тавсифини ўрганиш эди. Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, сурункали генераллашган пародонтит билан касалланган беморларда фаоллаштирилган порциал тромбопластина вақти ва протромбин вақти назорат гуруҳидагиларникига нисбатан қисқароқ экан. Ушбу маълумотлар шундан далолат берадики, сурункали генераллашган пародонтит билан касалланган беморларда қоннинг коагулянтлик касаллари бузилган бўлиб, у тўқимали протромбизани фаоллаштириш, қоннинг антипротромбинли ва антикоагулянт фаоллигини пасайтириш билан шартланганки, буни ДВС синдромнинг гиперкоагуляцион фазасининг намоён бўлиши сифатида баҳолаш мумкин. Сурункали генераллашган пародонтитга чалинган беморларда оғиз суюқлигининг компонентлари таъсирида фаоллаштирилган парциал тромбопластин вақти, протромбин вақти ва тромбин вақтининг қисқариши рўй беради. Бу маълумотлар шуни кўрсатадики, пародонтитнинг генераллашган шакллари билан касалланган беморларнинг оғиз суюқлиги компонентлари, ва аввало унинг таркибига кирувчи оксиллар қоннинг реологик хоссалари бузилишини эритроцитлар

агрегациясининг ошиши ҳисобидан кучайтиради ва қоннинг коагулянтлик салоҳиятини кўтаради, бу эса янада юксак даражада пародонт тўқималарнинг микроциркуляциясидаги силжишларга олиб келиши мумкин. Сурункали генераллашган пародонтитга чалинган беморларда қайд этилган микроциркуляциянинг бузилишлари ушбу касалликнинг вужудга келиши ва ривожланишининг муҳим патогенетик бўғинларидан бири бўлиши мумкин. Бунда беморларнинг сўлаги қоннинг коагуляцион хоссалари кўрсаткичларига нисбатан камроқ даражада ифодаланган таъсир кучига эга.

Сурункали генераллашган пародонтитда оғиз бўшлиғининг гемостази аҳамиятли даражада оғиз суюқлигининг таркиби ва физик кимёвий хоссалари билан, биокимёвий кўрсаткичлардаги фарқлар билан белгиланади, улар организмда ва қондаги ўзгаришлар билан узвий алоқадордир. Биз олган суюқлиги ва қондаги маълумотлар сурункали генераллашган пародонтит билан касалланган беморларда клиник жиҳатдан интакт пародонтли шахсларникига нисбатан ишончли тарзда юқори бўлиб, пародонтитнинг оғирлик даражасини, пародонтал чўнтакларнинг чуқурлигини ва милкларнинг қонли даражасини ишончли тарзда акс эттиради.

ХУЛОСА

«Сурункали генераллашган пародонтитда эндотелиал дисфункция ва неоангиогенез маркерларининг диагностик ва прогностик аҳамияти» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Сурункали генераллашган пародонтитга чалинган беморларда касалликнинг кечиши нафақат пародонт тўқималар томонидан метаболик бузилишлар билан, балки оғиз суюқлиги кўрсаткичлардаги жиддий физик кимёвий фарқлар билан биргаликда рўй беради, бу тромбоцитлар агрегацион фаоллигининг ошиши ва эндотелиал дисфункция маркерларининг дисбаланси билан шартланган. Пародонтитда эндотелиал дисфункция пародонт тўқималарининг микроциркулятор ўзани билан чекланиб қолмайди, балки тизимли тавсифга эга бўлади.

2. Сурункали генераллашган пародонтитга чалинган беморларда қон томирлар деворининг тромборезистентлигида бузилишлар қайт этилган бўлиб, унда қон томир эндотелийсининг ҳам антикоагулянт, ҳам фибринолитик фаоллигидаги бузилишлар устунлик қилади.

3. Сурункали генераллашган пародонтитга касалланган беморларда гемостаз тизимининг коагуляцион бўғини қон ва тўқима протромбиназасининг кучайиши, табиий коагулянт антитромбин III нинг фаоллиги пасайиши билан шартланган қон ивишининг плазмали омилларини фаоллаштириш ҳисобидан бузилган. Шу билан бир вақтда ҳам тўсатдан юз берадиган, ҳам Хагеман қарам фибринолиз кучайган бўлиб, у плазмин ферменти активлигининг, плазминоген активаторининг ошиши ва қонда циркуляцияланаётган антиплазминлар фаоллигининг пасайиши билан боғлиқ.

4. ET-1 ва дефензиннинг концентрацияси оғиз суюқлигининг миқдорига караб кўпайиб боради ва яллиғланиш зонасидаги нейтрофиллар учун гематоксин сифатида чиқади ва пародонт тўқималарнинг маҳаллий ишемияси ва некрозига олиб келувчи вазоконструкциянинг сабабларидан бери қисмларини аниқланди.

5. Сурункали генераллашган пародонтит билан касалланган беморларнинг оғиз суюқлигида S-IgA нинг конструкцияси пасайган бўлиб, бу пародонт шиллик қаватининг тўсиқ функциялари бузилганлиги, оғиз бўшлиғидаги микроорганизмлар учун кирувчанликнинг ошганлигидан далолат беради ва микробли антигенларнинг пародонт тўқималарига кириб боришига кўмаклашади, альтерацияни сақлаб туради, тўлиқ регенерациялашувига тўсқинлик қилади.

6. Оғиз бўшлиғида метаболик жараёнларнинг ҳолатини тавсифловчи самарали усул оғиз суюқлигининг кимёвий таркибини тадқиқ этишнинг ноинвазив усулидан фойдаланиш ҳисобланади, унда лизоцим, церулоплазмин, дефензин каби кўрсаткичлардаги фарқланишлар оғиз бўшлиғининг хос бўлмаган резистентлик ҳолатини холисона акс эттиради.

7. Сурункали генераллашган пародонтит билан оғриган беморларда цитокин профил (яллиғланиш цитокинлар ёки интерлейкин 6-10 ФНО) кўтарилади, бу ерда юқори ФНО остеокластларни фаоллаштиради ва пародонтал тўқималарни тиклаши аниқланди.

8. Соғлом одамлар ва айниқса сурункали генераллашган пародонтит билан касалланган беморларнинг оғиз суюқлиги фибрин ҳосил қилиш реакциясини тезлаштиради ва дононинг плазмасида фибринолизни ингибирлайди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ
СТЕПЕНЕЙ DSc.28.12.2017.Tib.59.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ СТОМАТОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ СТОМАТОЛОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ**

УСМАНОВА ШАИРА РАВШАНБЕКОВНА

**ДИАГНОСТИЧЕСКОЕ И ПРОГНОСТИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ
МАРКЕРОВ ЭНДОТЕЛИАЛЬНОЙ ДИСФУНКЦИИ И
НЕОАНГИОГЕНЕЗА ПРИ ХРОНИЧЕСКОМ ГЕНЕРАЛИЗОВАННОМ
ПАРОДОНТИТЕ**

**14.00.21.- Стоматология
14.00.25- Клинико-лабораторная и функциональная диагностика.**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PHD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

Ташкент 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2017.3.PhD/Tib316

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном стоматологическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский) размещен на веб-странице Научного совета www.tdsi.uz и на Информационно-образовательном портале "ZiyoNet" www.ziyo.net.

Научный руководитель:

Камилов Хайдар Пазирович
доктор медицинских наук, профессор

Хаджиметов Абдугафар Ахатович
доктор биологических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Хабилов Нигмон Лукмонович
доктор медицинских наук, профессор

Арипов Абдумалик Нигматович
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация:

Московский государственный медико-стоматологический университет имени А.И. Евдокимова (Российская Федерация)

Защита диссертации состоится «_____» _____ 2018 г. в _____ часов на заседании Научного совета DSc.28.12.2017.Tib.59.01 при Ташкентском государственном стоматологическом институте (Адрес: 100047, г. Ташкент, Яшнабадский район, улица Махтумкули, 103, тел./факс: Тел: (+99871) 230-20-65; факс: (+99871) 230-47-99. E-mail: tdsi2016@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного стоматологического института (зарегистрирован за № _____) Адрес: 100047, г. Ташкент, Яшнабадский район, ул. Махтумкули, 103, тел/факс: Тел.: +998-(71) 230-20-65

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2018 года.
(реестр протокола рассылки № _____ от _____ 2018 года).

Ж. А. Ризаев

Председатель разового научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук

Л. Э. Хасанова

Учёный секретарь разового научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, доцент

Х.И. Иршалиев

Заместитель председателя научного семинара при разовом научном совете по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире сегодня пародонтит распространен между 40% и 70% населения, часто из-за плохого питания, образа жизни и гигиены полости рта⁴. Причины, обуславливающие хронизацию воспаления тканей пародонта, до сих пор остаются малоизученными, что определяет низкую эффективность профилактических и лечебных мероприятий. Накопленные данные позволяют считать наиболее вероятной мультифакторную природу хронического генерализованного пародонтита. Переход от здоровья к болезни происходит постепенно и сопровождается истощением функционального резерва и снижением способности приспособления. Отдельные исследовательские данные согласуются с современным представлением о роли нервных, иммунных, гормональных, барьерных механизмов в возникновении ХГП⁵. Некоторые данные исследований соответствуют современным представлениям о роли нервных, иммунных, гормональных, барьерных механизмов при возникновении хронического пародонтита. Высокоэффективные диагностические решения должны приниматься лишь на основе данных широкого спектра диагностических методов. Необходимость совершенствования диагностических критериев, позволяющих отделить границы полезной адаптации тканей пародонта от начала патологического процесса, а также установления конкретных механизмов патогенеза ХГП определяют актуальность настоящего исследования.

В настоящее время проводится ряд научных исследований для достижения эффективности диагностического и прогностического значения маркеров эндотелиальной дисфункции и неоангиогенеза при хроническом генерализованном пародонтите во всем мире. К ним относятся патогенетические механизмы, факторы риска и факторы, влияющие на происхождение эндогенных и экзогенных причин, вызывающих пародонтит, функциональную специфичность, клинические проявления, маркеры эндотелиальной дисфункции, эндотелин, фибропептин, фактор виллебранда и дисфункцию неоангиогенеза, первый тип плазмогена активатор (РА 1-1) и А5. Тромбоциты у больных, страдающих хроническим генерализованным пародонтитом агрегация расположения факторов нарушений гемостаза и нарушения микроциркуляции в патогенезе мало изучен; антиоксиданты в крови пациентов с хроническим пародонтитом и микроциркуляторную систему согласно кислоте в крови пациентов с механизмами, чтобы оценить уровень стресса и уровень ИЛ-6 и ИЛ-10 в сложных, многомерных лабораторных маркерах в диагностике пациентов, страдающих от хронических генерализованных пародонтита кровеносных сосудов,

⁴ Saygun I., Nizam N., Keskiner I. Salivary infectious agents and periodontal disease status // J Periodontal Res. - 2011. - V. 46. - №2. - P. 235

⁵ Barac A., Campia U., Panza J.A. Methods for evaluating endothelial function in humans // Hypertension. - 2007. - Vol. 49 (4). -P.748-760.

дисфункция эндотелия рано разработка критериев для диагностики нарушений.

Важно создать механизм профилактических мероприятий по профилактике заболеваний, улучшить современные методы для уменьшения осложнений и снижения заболеваемости.

